



# Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун  
хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча  
киритиш тўғрисида

ўРҚ-688-сон, 29.04.2021 й.

Янги қабул қилинган Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қанча ўзгартишлар ва қўшимча киритилди.






Ҳаво кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, эндиликда ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устидаги парвози ердаги одамларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига ёки уларнинг мол-мулкига хавф солмаган ҳолда белгиланган йўналишлар ва учиш баландликларида амалга оширишга руҳсат этилди.


**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга** киритилган ўзгартишга мувофиқ, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузганлик учун **жарима миқдори қатъий белгиланди.**

Бунда:

**Фуқаролар учун БҲМнинг 20 баравари** (илгари 20 бараваридан 30 бараваригача)

**Мансабдор шахслар учун БҲМнинг 30 баравари** (илгари 30 бараваридан 50 бараваригача) миқдорида жарима назарда тутилган





Транспортда тұхташ ёки тұхтаб туриш қоидаларини бузғанлик учун жарима миқдори БХМнинг 2 баравари (илгари 3 баравари) этиб белгиланди.

Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш қоидаларини бузганлик учун жарима миқдори қатъий белгиланди.

Бунда БХМнинг иккidan бир қисми миқдорида (илгари БХМнинг бешдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда) жарима миқдори белгиланди



Эътиборингиз учун раҳмат!

